УДК: **81’373.612.2**

АТОВ ЗАНЖИРИ ВА МЕТАФОРА (психолингвистик аспект)

Ш.Т.Махмараимова

Мақолада номинатив назария, XX аср тилшунослигида оммалашган “атов занжири” борасидаги қарашлар ҳамда метафора ҳодисаси хусусида сўз боради. Номинацияни нейролингвистиканинг мураккаб психик жараён билан боғлиқ тадқиқ объекти сифатида англаш лозим. Атов механизмини бундай тушуниш, шунингдек, номинатив жараённи психология, лингвистика ва неврологиянинг кесишуви аспектда ўрганиш тафаккурда содир бўлувчи метафорик кўчимнинг психолингвистик, когнитив хусусияти қаторида номинатив функциясини ҳам аниқлаш имконини беради.

Калит сўзлар: *XX аср тилшунослигида номинация назарияси, атов занжири, АЗ компонентлари, метафора.*

В статье рассматривается теория номинации, как феномен метафоры. Номинация должна пониматься как объект исследования нейролингвистики, связанная со сложным психическим процессом. Такое понимание механизма, а также изучение этого номинального процесса в аспекте, который отражает пересечение психологии, лингвистики и нейробиологии, позволяет нам определить номинативную природу метафоры. Ибо, нельзя забывать, что кроме номинативной, метафора представляет собой психолингвистическую, когнитивную функции, которые одновременно отражаются в мыслительном процессе.

Ключевые слова: *теория номинации в лингвистике XX века, номинативная цепочка, компоненты НЦ, метафора.*

XX асрда номинация жараёни ҳамда метафоранинг алоқадорлигига доир масала тилшуносликнинг тадқиқ доирасидан психология, неврология, когнитология сингари илғор соҳаларнинг ўрганиш кўламига ўтиб, бугунги кунда ушбу муаммо мазкур фанларнинг долзарб объекти ҳисобланади. Жумладан, натуралистик (биологик) тилшунослик доирасида (А.Шлейхер, М.К.Рапп, А.А.Овелак) номинация ўз-ўзидан пайдо бўлувчи, инсон иродасига боғлиқ бўлмаган, эволюцион жараён сифатида тушунилади.

М.Мюллер фикрни биологик хусусиятли, А.Шлейхер эса тилнинг ўзини овозли материядаги фикрлаш сифатида қабул қилади [1. Б. 324]. Биологик тилшуносликнинг номинацияга муносабатида бош мия, нутқ ва сезги органларининг ўзаро алоқадор жиҳатлари қамралади ҳамда номинация жараёнига воқеликнинг ментал – ҳиссий қабул қилиниши сифатида ёндашилади.

А.Р.Лурия, Н.И.Жинкин, С.Д.Кацнельсонлар номинацияни нейролингвистиканинг мураккаб психик жараён билан боғлиқ бўлган тадқиқ объекти сифатида ўрганганлар [2]. Ушбу психология, лингвистика, неврологиянинг кесишувини акс эттирувчи аспектда психолингвистлар номинатив жараённи бош миянинг меъёрдаги фаолияти ва унинг локал жароҳатланишлари шароитида ўрганишни мақсад қиладилар. Қисқача таърифлаганда, нейролингвистикадаги бу назарий қараш ўзида ташқи олам тўғрисидаги ахборотни кодлашнинг аниқ операциясини назарда тутади [3. Б.45].

Фанда, шунингдек, номинацияни психолингвистик нуқтаи назардан ўрганиш (Д.Кларк, Дж.Г.Гринберг)да лисоний-нутқий бирликларнинг амалдаги жараёнларда вужудга келиши (А.А.Леонтьев) ва қабул қилиниши (И.А.Зимняя), тушунилишига эътибор қаратилади. Ҳар икки – психолингвистик ва нейролингвистик ёндашув бош мия фаолиятини тил тизимига нисбатан ўрганишни мақсад қилади. Бироқ психолингвистикадан фарқли, нейролингвистика тил ва нутқ шаклларининг вужудга келишини мавҳум тарзда ўрганмасдан, бу борада бош миянинг бузилган фаолиятини ташхислаш (аниқлаш) ҳамда даволаш воситасида ўрганади.

Нутқ, нутқий фаолият, унинг юзага чиқиши психолингвистик нуқтаи назардан нечоғли муҳим бўлса, номнинг ҳосил бўлишида метафоранинг ўрнини аниқлаш ҳам илмий-назарий жиҳатдан ўта аҳамиятлидир.

Маълумки, метафоранинг табиатига: турғунлик, яхлит образни моделлаштиришдаги қулайлик, мавҳумликни аташ, номлаб бериш (метафора – онгости ҳодисалари, билимлар мажмуининг таржимони сифатида), экспрессивлик (метафора – мантиқий қоидаларга бўйсунмайдиган ахборотни ҳис-туйғулар бошқарадиган кўламга кучли таъсир этиш орқали етказувчи образ), жамоага хос ижодкорлик характери хосдир.

М.П.Брандес метафорани сифатий фигураларга тааллуқли деб билади ва уни асл нусха ва номланаётган объектлар ўртасидаги ташқи ўхшашлик асосида юзага чиқадиган иккиламчи номинация воситаси сифатида кўрсатади [4. Б. 370].

В.Н.Телия метафорани “нутқдаги мавжуд номинатив воситаларнинг тавсифлашга оид янги вазифани адо этишга киришувини” акс эттирувчи иккиламчи лексик номинацияга хосланган деб билади [5. Б. 129]. Ҳолбуки, лексикологияда метафора янги лексик маъноларни ҳосил қилиш манбаи сифатида қаралади: Форс бўғози, Боботоғ (Ўзбекистон жанубидаги тоғ тизмаси), Олтинкўл ва ҳ. ва шунга мос ҳолда, лексикализациялашган мазкур турдаги бирликлар луғатларга тегишли тартибда киритилади.

Маълумки, таркибига кўра метафоралар: аниқловчи-аниқланмиш бирикмали генитив метафора (Genitivmetaper), адъектив метафора (от+сифат бирикмаси), гапга тенг метафора (Satzmetapher), шунингдек, матний метафора турларига ажратилади. Бироқ бир қанча рус тилшуносларидан фарқли, биз номинатив занжирга тегишли компонентларни, агар улар метафорик йўл билан ҳосил бўлган бўлса ҳам, от, субстантив сифатларга ажратишни нотўғри деб биламиз (М.Ш.).

Таъкидлаш лозимки, номинатив занжирда иштирок этувчи метафора, қаҳрамоннинг ҳиссиёти, кайфиятини аниқ-тиниқ етказиб бериш омилидир [6. Б.122]

Қарашларимизга нисбатан бирмунча зид бўлган яна бир мулоҳазабоп назария: метонимияни метафоранинг бир кўриниши (синекдохани эса метонимиянинг кўриниши (лот. *Parsprototo* –“бутун ўрнига қисм”)) деб билувчи М.П.Брандес шундай дейди: “*Метонимия* (die Metonymie) иккиламчи белгили номинациянинг усули сифатида номинация объектининг номинацияга асос бўлган объектга нисбатан реал алоқасини ифодалайди” [4. Б. 373]. Ваҳоланки, у сингари бошқа тилшунослар орасида ҳам метафора ва метонимия, синекдоха ҳамда метонимияни ўзаро алоқадор деб билувчилар бор [7. Б. 146]. Агар ушбу қараш илмий ҳақиқатдан йироқ бўлмаса, жами кўчимларни метафоранинг негизида қарор топади, деб ҳисоблаш ҳамда ҳосила номинацияни юзага чиқарувчи асосий кўчим сифатида метафорани кўрсатиш мумкин.

Номинатив занжирда муҳим ўрин тутган синонимия ҳодисаси ўзига хос мураккаб семантик муносабатларни намоён этади. Зеро, синонимиянинг: тўлиқ, идеографик, стилистик ва контекстуал турлари мавжуд бўлиб, гипонимия бу муносабатларни янада мураккаблаштиради. Айтиш мумкинки, гипонимия номинатив занжирда тўлдириш ва аниқлаш вазифасини ўтаб, матнда мазмуннинг ўсишига доир динамикани юзага келтиради [8].

Д.Фивегернинг таърифига асосан дастлабки ёдга олиш ва унинг содда такрор шаклидаги рекурренцияси, олмош ҳамда турли даражадаги мураккабликка эга лексик элемент билан семантик эквивалентлик асосидаги алмашинув орқали ўрнатиладиган изотопия муносабатларига номинатив занжир деб аталади [9. Б.110]. Олим, шунингдек, НЗнинг бир абзац, бир неча жумла ёки бутун бир матнга ёйилиши мумкинлигини таъкидлайди ва бирламчи номинациянинг нисбатан аниқ, такрорий номинациянинг эса маънодаги умумийликка кўра бирламчи номинация белгиларини янада бўрттириб кўрсатишга хизмат қилиш хусусиятини қайд этади. Бизнингча, ҳам Д.Фивегернинг бирламчи номинациянинг нисбатан аниқ характерли экани борасидаги фикри тўғри.

АЗ компонентларининг алоқадорлигига доир 1-ҳолат **(**аралаш типли**).** Мисол:


Кардиограмма**,**
Нимадир бу хат?
Нималар демоқда юрагим зарби?
Нечун у кўксимда уринар фақат
Парвозга талпинган тутқун қуш каби?
Нечун туғён қилар ,
Не истар кўнгил ,
Не дер бу самандар – ўт ошиноси?
Айтинг, шифокорим,
Сиз кўз тиккан бул
Турфа чизиқларнинг недир маъноси?
Балки жон риштаси дегани шудир,
Давоми умримнинг сўнгига туташ?
Балки ҳаёт йўлим...
(Э.Воҳидов. “Кардиограмма”).

Бунда: 1- кардиограмма, 2 - бу хат, ***3 - бу самандар, 4 - ўт ошиноси***, 5 - ҳаёт йўлим. Бунда АЗни ташкил этувчи номинативлар кетма-кетлиги бирламчи номинативни аниқлабгина қолмай, шу АЗ таркибидаги метафорик ҳосила номинативлардан бири муайян N_x номинативининг хоссаларини ойдинлаштириб келиши мумкин. Буни қуйидагича тушунтирса бўлади: $AZ=N_1+N_2(N_a+N_b)$.

Мана бу мисол эса мазкур фикримизга мисол бўлади: ***Бу умр – ўтар кўчадир.*** *Ғофил ётма, туриб ўт, Ётганлар бор, ҳолин сўра, кулбасига кириб ўт.* ***Бу кўча – байрам кўчадир,*** *дўст-душман орасидан Зийнатланиб, зеболаниб қушдай енгил юриб ўт* (Ҳ.Худойбердиева). Бунда УМР=ўтар кўча+(ўтар кўча → байрам кўча).

АЗ компонентларининг алоқадорлигига доир 2 - ҳолат **(**ўзаро боғлиқ (анафорик алоқа)**).** ***Раззоқ сўфи****да ундай қувват ортиғи билан бор.* ***Бу одам****, жадиднамо бир ҳамшаҳрининг деганидек, “****кўргазмага қўйилатурган антиқа махлуқ****лардан эди”.* ***Раззоқ сўфи*** *шу қадар камгап, индамас, дамини ичига солган, зиқна одам эди. Ташқари*

оламда, яъни ўз ҳовлисидан ташқарида ***унинг*** *доимий ва бирдан-бир вазифаси: ўзидан улуғ ва кучлилар гапирса – "ҳовва-ҳовва", демак, ўзидан паст ва кучсизлар гапирса – "йўқ, йўқ", деган маънида бош чайқаш бўларди. Уйида вақтида* ***унинг*** *оғзидан одам болалари ўртасида юратурган тузук, маънилик ва "гап" деса бўладиган бир сўз чиқмас эди. Умуман,* ***сўфи****нинг бу бобда ўзига кўра асоли бир маслаги бор: у ўзи мақтаниб айтганидай, хотин-халаж олдида оғиз очиб тил қалдиратишни раво кўрмайди.* (Чўлпон. "Кеча ва кундуз") Бунда: 1-Раззоқ сўфи, 2 - бу одам, 3 - у, 4 - кўргазмага қўйилатурган антиқа махлуқ. Мазкур атов занжирида номинация асосининг муҳим белгилари: 1- изоҳловчи-изоҳланмиш (Раззоқ сўфи), 2 - аниқловчи-аниқланмиш (бу одам), олмош (у) орқали эмас, аксинча, метафорик ном эвазига долзарблашмоқда. Яъни, айнан метафорик ном эвазига объектга тегишли асосий белгилар прогрессиясини қуйидаги чизмада кузатиш мумкин (1-расм).



1-расм. *АЗ (атов занжири)да метафорик ном эвазига объектга тегишли белгиларнинг ажратилиши*

Атов занжири компонентларининг алоқадорлигига доир **3 -** ҳолат **(**нокореферент предикатив мустақиллик**).** Бунда АЗни ташкил этувчи номинативларнинг семантик қиймати бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага чиқади. Шунга қарамай, бу сингари номинатив гаплар умумий изотопик тўрни ҳосил қилган ҳолда ягона референтни ифодалашга хизмат қилади. Бошқача айтганда, ўзаро мустақил номинативлардан иборат бундай АЗнинг характери қуйидагича бўлади: $AZ=N_n(N_1/N_2/N_3/N_{4...})$.

Аксар ҳолларда бу тоифадаги АЗнинг узвлари қаҳрамоннинг руҳий-ҳолати, ички оламига тегишли, бевосита кузатувда берилмаган табиатини атовчи номинантлардан ташкил топади. Бинобарин, бу вазият кўпроқ тугал шаклланган концептга тааллуқли метафорик талқиндаги изоҳларда учрайди. Мисол: *Ишқ –* ***порлоқ юлдуздир****, башарият кўзининг нуру зиёси шундан. Ишқ –* ***товланиб турувчи гавҳардир*** *– инсоният тожининг зийнати ва баҳоси шундан. Ишқ –* ***толеъ қуёшидир****, қайғули диллар тиканзори ундан гулшан. Ишқ –* ***балқиб турган тўлин ойдир****, қоронғи кўнгиллар кечаси ундан равшан. Ишқ – кенг денгиздир, ҳар тўлқини юз ақлу ҳуш кемасини ғарқ қилади. У* ***баланд тоғдир****, ҳар чўққисининг ўткир қирраси минг зуҳд-тақво эгасининг бошини учиради. Ишқ –* ***куйдирувчи шуладир****, кўпгина жон ва кўнгилларни хашакдек ёқади. Ишқ –* ***алангали чақмоқдир****, кўпгина жону дилларни ёлқини билан кул қилади. Ишқ –* ***аждаходир****, оламни дамига тортмоқ унинг тилаги. Ишқ –* ***қаҳрли подшоҳдир****, олам аҳлини ёппасига қирмоқ унинг мақсади, у ҳар қанча қон тўккани билан зерикмайди, у ҳар қанча одамни қон қилса ҳам қониқмайди. Ишқ –* ***яшиндир****, ақлу дин хирмонини куйдиради, у* ***бўрондир****, куйганларнинг кулини кўкка совуради. Ишқ – шунчалар қайсарки, унинг олдида подшоҳ ҳам, гадо ҳам тенг, у шундай* ***зулмкорки****, унинг қошида ифлос-фосиқ ҳам, покдил ошиқ ҳам бир... Дунё бозорининг ғавғоси ва дунёда бор ҳамма нарсаларнинг савдохонасидаги шовқин-сурони – ишқ туфайлидир...* (Т.Малик. "Одамийлик мулки").

Кўринадики, дастлабки номинация остида назарда тутилган объектнинг семантик табиати АЗнинг навбатдаги компонентлари кўмагида ойдинлаштирилмоқда. Бинобарин, метафорик ном бу тизмада устувор ўринга эга бўлмоқда. Бироқ унутмаслик керакки, бундай ҳолатларда АЗ компонентлари ўзаро кореферент, семантик эквивалент ва битта объектга алоқадор ёхуд референциал ўхшашлик асосида бириккан бўлишлари шарт (К.Бринкер, Д.Фивергер).

Д.Фивергерга эргашган ҳолда, Е.Б.Стренадюк, Г.С.Стренадюк каби олимлар НЗнинг таркибини қуйидаги тартибда таснифлайдилар [10.Б.128-133]:

– НЗ таркиби (бир жинсли ва аралаш (фақат шахс номлари, фақат олмошлардан, фақат турдош отлардан иборат));

– узунлиги (узун (матннинг асосий информацион ядросини шакллантирувчи), ўрта, қисқа, ўта қисқа (матн мазмунининг кенгайишига имкон яратади));

– семантик тўлдириш (Е.Б.Стренадюк, Г.С.Стренадюк ассоциатив (баҳор – қорнинг эриши – кунларнинг узайиши ва исиши – бойчечак – қалдирғоч – сумалак (мисоллар бизники –М.Ш.)), синонимик ва метафорик муносабатларни, шунингдек, Д.Фивергер таклиф этган: 1. Бевосита номинация, гипоним, гипероним (нисбатан умумий характердаги лексема), олмош билан ифодаланадиган субститут (лот. *Substitutus* – алмашиниш); 2. Гипероним – гипоним – олмошли субститут)дан иборат НЗ схемаларини назарда тутади.

Демак, номинатив жиҳатига кўра, матн изотопик тўрдан иборат бўлиб, у матн мазмунининг тўлиқ очилиши, қаралаётган объект тўғрисида тегишли ахборотга эга бўлиб боришнинг асосий омилидир.

В.Г.Гакга кўра, бирламчи номинация автоном характерлидир. Унингча, бирламчи номинация “синтагматик муносабатлар билан шартланмайди” [11. Б. 285]. Бу борада олим шахсни аниқловчи реляцион номинациялар, персонажнинг ижтимоий синф ва касбини билдирувчи номинациялар ва ҳ.ларнинг дастлаб, бирламчи номинация орқали ифода топишини айтади [12].

Н.Д.Арутюнова объектни биринчи эслатишни интродуктив, бошқача айтганда, экзистенциал номинация деб атайди. Унинг ёзишича, “интродуктив номинация семантик жиҳатдан содда бўлади. Яъни, у умумга тегишли объектни англатади” [13. Б. 309]. Олима интродуктив (экзистенциал) ҳамда ундан сўнг юзага келувчи номинацияни идентификацияловчи (тенглаштирувчи) номинация деб ҳисоблайди. Бунда интродуктив номинацияда қайд этилган белгилар адресат томонидан кейинги номинацияларда инобатга олинади. Буни инглиз тили мисолида кузатиш мумкин: интродуктив номинация билан бирга келувчи ноаниқ артикль идентификацион номинацияга ўтганда аниқ артиклга айланади. Бу жараёнда эса маъно торайиши юзага келади. Демак, Н.Д.Арутюнова ва В.Г.Гак бирламчи номинацияни семантик жиҳатдан умумий характерли деб ҳисоблайдилар.

Идентификацион номинацияда шахс номинацияси муҳим ўринга эга бўлиб, бунда ўқувчи томонидан шахс отининг англаниши ўқувчи онгида референциал майдоннинг нечоғли қамралиши ва тушунилиши ҳолати билан изоҳланади [13. Б. 317]. Бинобарин, контекстуал кўлам ўқувчининг шахс отларининг қандай юзага чиққанлигини тушунтириб берувчи муҳим омил ҳисобланади. Мисол: *“Қора аммам”ники роса узоқ. Нўғайқўрғон деган жойда. Юраверіб-юраверіб, чарчаб кетасиз. Кўчадан кетаверсангиз, энг аввал “Туя” амакининг уйи келади.* (Ў.Ҳошимов, “Икки эшик ораси”) Ёки: *Ҳовлига киришимиз билан кўча эшикдан йўлйўл кўйлак кийган, соч қўйган йигит кириб келди: - Ие, гирой, қўлга нима қилди? – деди кулиб* (Ў.Ҳошимов. “Икки эшик ораси”).

Кўринадики, бирламчи номинация кўп ҳолларда нисбатан аниқ, умумий характерга эга бўлади. Зеро, нутқда шундай контекстлар ҳам учрайдики, бирламчи номинация қолган турдаги ҳосила номинациялардан ўзининг тегишлилиги билан кескин фарқ қилиши мумкин.

Қайд этиш лозимки, номинатив занжир матннинг турига қараб турлича вазифаларни бажаришга хосланади. Айниқса, бадиий контекстда номинатив вариациялар бадиий-мазмуний, эстетик вазифани бажаради. Мазкур турдаги номинациялар модаллик нуқтаи назаридан “тўйинтирилган” бўёқдорликни намоён этиши ҳам мумкин.

Н.С.Валгина такрорий номинациянинг тўртта асосий: 1) ахборотли – тасвирий (тегишли объектни таърифлаш), ситуатив (тегишли вазиятдаги тавсиф), экспрессив – баҳоловчи (объектни унинг сифатларига берилган баҳо билан биргаликда тавсифлаш) ҳамда редуцияловчи (матн ҳажмининг қисқариши) каби вазифаларини ажратади [14. Б. 32 – 36]. Зеро, юқорида эътироф этилганидек, такрорий номинация персонажни мукаммал тавсифлаш воситасидир (Н.Д.Тамарченко, Н.С.Валгина) [14. Б. 32 – 36]. Яна бир тилшунос А.И.Иванова эса номинатив занжир вазифаларини фаннинг турли соҳалари нуқтаи назаридан ажратади. Хусусан,

– коммуникация назариясига кўра, “минимум харж эвазига максимум ахборот бериш” ёхуд “фикрни ойдинлаштириш”, “адресатга референт тўғрисида тўлиқ маълумот узатиш”;

– лингвистикада – “матн ҳосил қилиш воситаси”;

– услубиятда: “монотонликни бартараф этиш воситаси”, “эмоционал-экспрессив вазифа”, “экспрессияни юмшатиш, адресантнинг денотатга муносабатини мезонлаштириш, нейтрал позицияни белгилаш”;

– референция назариясига нисбатан – “мавзуни таркиб топтирувчи функция”;

– дискурс назариясида – “тушунча ёхуд концептни шакллантириш”, “адресат хотирасида референт тўғрисидаги ахборотни мустаҳкамлаш воситаси”;

– психология ва лингвофалсафада – “мазмунни ҳосил қилишга кўмаклашувчи ва мазмунни қабул қилишни осонлаштириш воситаси” ёки “такрорлаш актидан “психологик қониқишни таъминлаш” ва ҳ. [15. Б.18]

Таъкидлаш лозимки, номинатив занжирга тааллуқли бу вазифалар матннинг барча турларида кузатилади.

Ўзбек болалар нутқининг социопсихолингвистик аспектини ўрганган М.А.Қурбонова болалар нутқининг номинатив аспектига эътибор қаратиб, уларда кузатиладиган номинатив бирликларни функционал-семантик хусусиятларига кўра қуйидаги гуруҳларга таснифлашни мақсадга мувофиқ деб билади:

1. Метафорик номинация. Бунда воқелик, нарса-ҳодиса ўхшашлик асосида номланади: С.Саркабоев (4 ёш) икки электр ўтказгичи ёрдамида юрадиган транспорт тури - троллейбусни шохли автобус деб тушунтиради. Бунда бола томонидан икки электр ўтказгич шохга ўхшатилади. Болага бу транспорт воситасининг номи маълум бўлмагани учун уни ўхшатиш асосида шундай номлайди.

2. Метонимик номинация. Бунда воқелик, нарса-ҳодиса алоқадорлик асосида номланади. 10 ойдан 3 ёшгача бўлган болалар нутқида имитация

усули орқали юзага чиқадиган алйў (телефон), бибип ёки ғин (машина), пақ (тўппонча), қу-қу (товуқ), миёв (мушук), мў (сигир), ба (қўй) сингари бир қатор мисоллар шулар жумласидандир. Боланинг талаффузида бу усул асосида намоён бўлувчи нарса-ҳодиса ва ҳайвонларнинг товушлари унинг нутқида номинатив восита вазифасини бажарувчи луғавий бирлик сифатида мустақил маъно касб этади.

3. Субститутив номинация. Бунда бола муайян хусусиятларни намоён этувчи нарса ва буюмларни бирон-бир гуруҳга тегишли деб тасаввур қилади ва сўзнинг маъносини кенгайтириш асосида уларнинг номини нотўғри ифодалайди: А.Туйғунов (7 ёш) ўқитувчи томонидан уйга берилган топшириқни бажариш жараёнида онасига “унни ёзомадим”, дейди. Ушбу фикрнинг мазмуни мактабда ўқувчиларга қандай вазифа берилганлигини аниқлаш орқали англашилди. Топшириқ алифбе китобида қайд этилган таркибида “н” товуши мавжуд луғавий бирликлар воситасида ифодаланувчи нарса-буюмларнинг расмини чизишдан иборат бўлиб, бунда бола “ёзмоқ” феълининг бўлишсиз шакли ёрдамида ун маҳсулотини чиза олмаганлигини тушунтиришга ҳаракат қилган.

4. Ассоциатив номинация. Бунда воқелик, нарса ёки ҳодиса тасаввурлар ассоциацияси асосида номланади: А.Султонова (4 ёш) нутқида корейс миллатига мансуб киши ўрисси қозоғи тарзида ифодаланади. Бунда бола қозоқ миллатига мансуб кишилар ҳақидаги тасаввурларига таянган ҳолда ташқи қиёфасига кўра уларга ўхшаш, аммо нутқий хусусиятига кўра фарқли кишиларни кўриб, шундай хулосага келган (Кўчадан кетаверсангиз, энг аввал “Туя” амакининг уйи келади. (Ў.Ҳошимов, “Икки эшик ораси”) мисолидагидек). М.А.Қурбонова номинатив жараённинг бу аспектларига нисбатан: “Албатта, кичик ёшдаги болаларда кузатиладиган бундай хусусиятларга нутқий нуқсон сифатида қараш тўғри бўлмайди. Чунки ижтимоийлашув жараёнида боланинг нутқи сифат жиҳатдан такомиллашиб, анъанавий тил меъёрларига мослашиб боради” қабилида муносабат билдиради. Табиийки, номинатив жараённинг турли кўриниш ва шакллари лингвистик жиҳатдан осон изоҳланмайди. Айниқса, гап болалар нутқи тўғрисида борганда энди шаклланиб келаётган нутқий ифодаларни “нутқий нуқсонлар” қаторига қўшиб бўлмайди. Негаки, болаларда оламни кўриш, қабул қилиш, англаш жараёнлари уларда кечаётган психик, физиологик тараққиёт билан изоҳланади. Бу жараённи зинҳор катталар психикаси ва физиологияси билан таққослаб бўлмайди. Бола энди идрок эта бошлаган теварак-атроф унсурларини ўзига хос метафорик йўсинда талқин этади. Шунинг учун ҳам болаларнинг ички олами ёрқин бўёқларга бой бўлиб, у ғайритабиий қаҳрамонлар ва уларнинг ишониб бўлмас даражадаги саргузаштлари билан “тўйинган” бўлади. Шунинг учун ҳам психологлар четдан ёлғончи бўлиб кўринган болаларни аслида ички олами бой, фантазияси кучли болалар сифатида баҳолайдилар. Демак, болалар нутқидаги талқин ҳақиқатдан оғишдек кўринса-да, бу ҳолат уларда ривожланиб келаётган онг, тафаккур тарзининг кўчимлар эвазига мукаммаллашаётганини исботлайди.

Умуман, номинатив жараён метафоранинг бевосита фаол иштирокисиз кечмайди. Бу эса психолингвистик жиҳатдан изоҳланиши лозим бўлган, метафоранинг номинатив аспектига доир феномен ҳолат ҳисобланади.

Адабиётлар

1. *Кодухов В.И.* Натуралистическое направление // Лингвистический энциклопедический словарь / гл. ред. В.Н. Ярцева. 2-е изд., доп. – Москва: Большая Российская энциклопедия, 2002. – 709 с.

2. *Лурия А.Р*. Основные проблемы нейролингвистики. – Москва: Директ-Медиа, 2008. – 547 с.

3. *Малинка А.В., Нагель О.В.* Лексическая номинация: ономасиологический и когнитивный подходы. Лексическая номинация. ГОУ ВПО “Томский государственный университет” // Язык и культура. – № 4. 2011. – С. 44 – 56.

4. *Брандес, М.П.* Стилистика текста: теоретический курс: (на материале немецкого языка): учебник для студентов и аспирантов, обучающихся по специальностям направления “Лингвистика и межкультурным коммуникация” / М. П. Брандес - 3-е изд., перераб. и доп. - Москва: Прогресс-Традиция, 2004. – 416 с.

5. *Телия В.Н*. Вторичная номинация и ее виды. – Москва: Наука, 1977.

6. Zweig St. Buchmendel. Novellen. – Leipzig, 1976. – 122 p.

7. *Богатырёва Н.А.* Стилистика современного немецкого языка: учеб. пособие для студ. вузов /Н.А. Богатырёва, Л.А.Ноздрина.-2-е изд., стер. – Москва: ИЦ Академия, 2008. – 336 с.

8. *Рут М.Э.* Образная номинация в русском языке. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 1992. – 148 с.

9. *Viehweger D.* Zur semantischen Struktur des Textes//Studia grammatica. – Berlin: Akademie. – Verlag, 1977. – Bd. XVIII.

10. *Стренадюк Е.Б, Стренадюк Г.С.* О роли повтора в обеспечении когерентности текста // ВЕСТНИК ОГУ. – №11 (172)/ноябрь`2014. – С. 128-133.

11. *Гак* В. *Г*. К *типологии лингвистической номинации* // Языковая *номинация* (Общие вопросы). – Москва, 1977. - 340 с.

12. *Кобозева И.М*. Лингвистическая семантика: Учебное пособие. – Москва: Эдичориал УРСС, 2000. – 352 с.

13. *Арутюнова, Н.Д.* Номинация и текст / Н.Д.Арутюнова // Языковая номинация (Общие вопросы). – Москва: Наука, 1977.

14. *Валгина*, *Н.С*. *Теория текста*. – Москва: Логос. 2003. – 173 с.

15. *Иванова А.И. Контекстуальная синонимия* как *проявление номинативного варьирования* в *тексте.* На материале журнальных статей. Дис. ... канд. филол. наук. *Тверь*, 2006. -186 с.

NOMINATIVE CHAIN AND METAPHOR (psycholinguistic aspect)

Sh.T.Makhmaraimova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 1 (45). 92 – 98.
[1]Termez state university, Termez, 190111, str. Barkamol Avlod, 43 (Uzbekistan). E.mail: termizdu@,umail.uz.

Keywords: *Nomination theory in the 20th century linguistics, nominative chain, components of NC, metaphor.*

The article discusses the theory of nominative theory, the phenomenon that is popular in the 20th century linguistics, and the phenomenon of metaphor.The nomination should be understood as the object of neurological linguistics related to the complex mental process. Such an understanding of the mechanism of firing, as well as the study of this nominal process in an aspect that reflects the intersection of psychology, linguistics, and neuroscience, allows us to identify the nominative function of the psycholinguistic, cognitive nature of metaphorical phenomena that occur at the same time.

Nomination theory is not only a research object of the 20th century, but also a subject of study in related fields.

The metaphor of the M.P. Brandes painting is as good as the figure and the instrument is the original object of the nomenclature, the original and the original object. V.N. Telia sees the metaphor as unique to the secondary lexical nomination, which “reflects the new nominative means of presenting a new task to describe”. In lexicology, the metaphor is considered as a source of new lexical meanings: Karakamar (mountain range in the south of Uzbekistan), Altinsay, and so on. and, accordingly, these lexicalized units are included in the dictionary accordingly.

From a cognitive point of view, uncertainty is defined by a variety of factors. These include: the speaker’s insufficient knowledge of the denotation, the enthusiasm of the author, and the eccentricity of the speech (mainly the euphemism), the inability of the speaker to convey his thoughts clearly. In particular, within naturalistic (biological) linguistics, nomination is understood as a spontaneous, evolutionary process independent of human will. n the nomenclature of biological linguistics, the interrelated aspects of the brain, speech and sensory organs are included, and the nomination process as a mental-emotional perception of reality. In this aspect, which reflects the intersection of psychology, linguistics, and neuroscience, psycholinguists aim to study the nominal process in the context of normal functioning of the brain and its local injuries. The study used comparative-analytical methods to investigate the presence of metaphor in all kinds of nominal processes, which is actually a cognitive phenomenon.

The more important the speech, the speech activity, and the psycholinguistic point of its occurrence, the more important the scientific and theoretical study the role of metaphor in the formation of the name is in lexicology, metaphor is regarded as a source of new lexical meanings: there is also the notion of a ‘nominative chain’ that is widely used in world linguistics, which is one of the key factors in the formation of this ‘ridge of names’. Also, the metaphor involved in the nominal chain is a factor in conveying the characters’ emotions and moods clearly.

In general, the nominal process does not occur without the active participation of the metaphor. This is a phenomenon in the nominative aspect of the metaphor that needs to be explained psycholinguistically.

References

1. Koduhov V.I. (2002*) Naturalisticheskoe napravlenie* [Naturalistic direction] // Lingvisticheskij jenciklopedicheskij slovar’ / gl. red. V.N. Jarceva. 2-e izd., dop. Moscow: Bol’shaja Rossijskaja jenciklopedija.

2. Lurija A.R. (2008) *Osnovnye problemy nejrolingvistiki* [The main problems of neurolinguistics]. Moscow: Direkt-Media.

3. Malinka, A.V., Nagel', O.V. *Leksicheskaja nominacija: onomasiologicheskij i kognitivnyj podhody.Leksicheskaja nominacija* [Lexical nomination: onomasiological and cognitive approaches. Lexical nomination].
4. Brandes, M. P. (2004) *Stilistika teksta* [Text style]. Moscow: Progress-Traditsiya.
5. Telija, V.N. (1977) *Vtorichnaja nominacija i ee vidy* [Secondary nomination and its types]. Moscow: Nauka.
6. Zweig, St. (1976) Buchmendel. Novellen. Leipzig.
7. Bogatyreva, N.A., Nozdrina, L.A. (2005) *Stilistika sovremennogo nemeckogo jazyka*[Stylistics of modern German language]. Moscow: Akademia.
8. Rut, M.Je. (1992) *Obraznaja nominacija v russkom jazyke*. [Figurative nomination in Russian]. Ekaterinburg: Izd-vo Ural, un-ta.
9. Viehweger, D. (1977) Zur semantischen Struktur des Textes. Berlin: Akademie. - Verlag.
10. Strenadjuk, E.B., Strenadjuk, G.S. (2014) *O roli povtora v obespechenii kogerentnosti teksta* [On the role of repetition in ensuring text coherence]. Orenburg. VESTNIK OGU. – №11 (172). – C. 128-133.
11. Gak, V.G. (1977) *K tipologii lingvisticheskih nominacij* [The k typology of linguistic nomination]. Moscow.
12. Kobozeva I.M. (2000) *Lingvisticheskaya semantika*: Uchebnoe posobie [Linguistic semantics. Tutorial]. Moscow: Edichorial URSS.
13. Arutjunova, N.D. (1977) *Nominacija i tekst* [Nomination and Text] Moscow.
14. Valgina, N.S. (2003) *Teorija teksta* [The theory of text]. Moscow: Nauka.
15. Ivanova, A.I. (2006) *Kontekstual'naja sinonimija kak projavlenie nominativnogo var'irovanija v tekste* [Contextual synonymy of nominative variation in the text as a realization]. The Dissertation for the Candidate of Philological Sciences. Tver'.

Муаллиф ҳақида маълумот:
Махмараимова Шохиста Тухташевна – Термиз давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).